

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш  
тўғрисида)

2023 йил декабрь ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳар суд биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ш.Нурматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Майдоновнинг котиблигида, Қарши шаҳар прокурори ёрдамчиси Ж.Фармонов, судланувчи А.Ярашев ва унинг химоячиси адвокат М.Холисова, фуқаровий даъвогар С.Элмуродованинг иштирокида,

1996 йил 13 ноябрь куни Косон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Ўзбекистон фуқароси, депутат бўлиб сайланмаган, партиясиз, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Косон тумани, “Бунёдкор” МФЙ, Бунёдкор кўчасида яшайди, 2023 йил

18 октябрь кунидан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосасини 2023 йил 6 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 1-қисми билан Ярашев Аловиддин Саттор ўғлига оид 1-1801-2303/719-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, А.Ярашев 2022 йил 16 май кунидан “NIKA FARM SERVIS” МЧЖга қарашли Қарши шаҳар, Отчопар МФЙ, Денов кўчаси, 94-уйда жойлашган 63/2-сонли дорихонада ҳудудий филиалида моддий жавобгар шахс лавозимида ишлаб келиб, 2022 йил 16 май кунидан декабрь ойига қадар жамиятнинг 36.937.764,39 сўм миқдорига пул ва дори воситаларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Ярашев Аловиддин Саттор ўғли, ўзининг юқоридаги жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси

1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судда А.Ярашев, фуқаровий даъвогар С.Элмуродова ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.



А.Ярашев судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар С.Элмуродова, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, А.Ярашевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, фуқаровий даъвогар С.Элмуродова ва А.Ярашевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ж.Фармонов ва ҳимоячи адвокат М.Холисованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, А.Ярашевнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, фуқаровий даъвогар С.Элмуродова ҳамда А.Ярашевга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув А.Ярашев ва фуқаровий даъвогарнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги, “Капитал банк” АТБ Тошкент шаҳар филиалидаги депозит ҳисоб рақамига етказилган зарарни қоплаш учун жами 36.937.764.39 сўмни “НИКО ФАРМ СЕРВИС” МЧЖнинг 20208000304640105019 ҳисоб рақамига тўланганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 1-қисмида тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Ярашевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, А.Ярашевга нисбатан қўлланган қамоқ еҳтиёт



чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан озод қилишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд фуқаровий даъвогар С.Элмуродовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 1-қисми билан Ярашев Алоvidдин Саттор ўғлига нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

А.Ярашевга нисбатан қўлланган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиб, дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Фуқаровий даъвогар С.Элмуродовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Қашқадарё вилоят судига хусусий тартибда шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик  
Ш.Нурматов

қилувчи

судья



## Маъсул судья: Нурматов Шавкат Батирович



Хужжат имзоланган: Нурматов Шавкат Батирович, 04.02.2023

